

## **MASTERPIECES OF HISTORY**

Dilfuza Juraeva

Director of the State Archives of Surkhandarya region

### **Annotation:**

This article is about historical masterpieces. We, the people of the 21st century, are living in a time when our nation is building a new society with good intentions, which is considered a transition period not only in the history of Uzbekistan, but also in the history of the whole world, where serious changes are taking place in the fate of every people and nation. In other words, our time is the time when every nation, every person strives to restore and reevaluate the history, values, and historical heritage of their nation. That's why historians, research scientists, and every representative of the new generation growing up in our country, who turn the pages of history with great care and detail, look for spiritual help.

**Keyword:** History, people, happiness, society, nation, human, value.

**Аннотация:** Ушбу мқола тарих дурдоналари ҳақида ёзилған. Биз – йигирма бириңчи аср одамлари халқымыз қутлуғ ниятлар билан янги жамият қураётган, нафақат Ўзбекистон, балки бутун олам тарихида ҳам ўтиш даври ҳисобланадиган, ҳар бир халқ, миллат тақдирида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётган бир даврда яшяпмиз. Бошқача айтганда, бизнинг давримиз ҳар бир халқ учун, ҳар бир инсон учун ўз миллатининг тарихини, қадриятларини, тарихий меросини тиклаш ҳамда қайта баҳолашга интилаётган давр. Шунинг учун ҳам наинки, тарих саҳифаларини ўта синчковлик ва заргарлик билан варақлаётган тарихчилар, тадқиқотчи олимлар, балки юртимизда камол топаётган янги авлоднинг ҳар бир вакили оқсоқ тарих саҳифаларига мурожаат қилар экан, ўзига маънавий мадад излайди.

**Калит сўз:** Тарих, халқ, қутлуғ, жамият, миллат, инсон, қадрият.

Вақт – чексиз ўлчамда давом этадиган узлуксиз жараён. Бу бетўхтов оқимда кечмиш воқеа-ҳодисалар – тарих. Инсон маълум вақт оралиғида яшайди ва ўзидан кейинги авлодлар учун мозий аталмиш буюк китобнинг янги саҳифаларини ижод этиб, мерос сифатида қолдириб кетади. Шу тариқа, давр ва замонлар ўтаверади, тарих эса зарвараклар билан бойиб бораверади[1].

Архивлар эса бундай изланувчилар учун буюк тарих қатида сақланувчи хазиналарни, нодир хужжатларни улкан маънавий мерос сифатида уларга тақдим этиш учун ўз бағрида авайлаб асрайди, авлоддан-авлодга беминнат етказиб туради.<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Сурхондарё вилоят давлат архиви.334-фонд, ёзув-1, сақлов-9, 18 саҳифа.

Шу маънода олиб қараганда, архивларни асрлар оша безавол яшаб келаётган маънавият дурданалари сақланадиган муҳташам қаср деса, бўлади. Тўғри, бу қасрда моддий бойликлар сақланмайди, одамларга бирор бир моддий неъмат ҳам улашилмайди[3]. Аммо ёш авлод истиқболи учун бугунги қунда сув ва ҳаводек зарур бўлган маънавий бойликларни улашишда архивларга тенг келадигани йўқ. Шу боис, бутун Ўзбекистонимизда бўлгани каби, Сурхондарё вилоятида ҳам тарихнинг тенгсиз хазинабони бўлмиш архив ишларига эътибор қаратилиб келинган. Лекин мустақиллик йилларида гина бу соҳага эътибор янада кучайтирилган.<sup>2</sup>

Бу фикримизга кейинги йилларда мамлакатимиз Президентининг архив ишларига оид Фармон ва қарорлари, шунингдек, Республикализ Ҳукумати томонидан давлат архивлари ишини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар кўламини ортиришга хизмат қилувчи қарорлари ҳамда бошқа кўплаб меъёрий ҳужжатлар эълон қилинганлиги нур устига, аъло нур бўлмоқда. Чунки бу муҳим ҳужжатларда белгиланган вазифалар жойларда изчиллик билан амалга оширилмоқда. Энг муҳими, кейинги ўн йилликларда соҳага эътибор янада кучайтирилганлиги ҳар бир архив ходими қалбида фаҳр-ифтихор туйгуларини уйғотмоқда[4].

Ушбу қарорларнинг ўз вақтида қабул қилинганлиги ва у тарихий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этганлигини шундан ҳам билса бўладики, бир қатор вилоятлар марказида, туманларда фаолият юритаётган давлат архивлари бинолари эскирган, у ерлардаги шароитлар ҳам кўнгилдагидек эмасди. Хусусан, Сурхондарё давлат архиви жойлашган бир қаватли бино ҳам маънан, ҳам моддиян эскирган эди<sup>1</sup>. Хоналар тор ва етарли эмасди, айни пайтда, давлат аҳамиятига молик нодир ҳужжатларни сақлаш, қайта ишлов бериш имконияти деярли йўқ эди, кўнгилдагидек хавфсизлик чораларини кўриш учун имкониятлар жуда кам эди[5]. Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, Сурхондарёда архив ишлари чинакамига 1926 йилдаёқ ташкил этила бошлаганди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1941 йил 6-мартдаги фармонига асосан Бухоро вилояти таркибидан Сурхондарё вилояти ажralиб чиққандан сўнг давлат архиви мақомига яраша иш юритишга киришди. Эслатиб ўтмоқ зарурки, янги мақом билан ташкил этилган вилоят давлат архиви учун 1898 йилда ташқи деворлари пишиқ ғиштдан, ички деворлари хом ғиштдан қурилган бино ажратилди<sup>2</sup>.

Йиллар ўтиши билан, аникрофи, 119 йил давомида бинонинг ички деворлари захлаб, сувоқлари тўкилиб кетганди. Архив биносининг поли, шифти ва том қисми тахта ва қамишдан қурилганлиги учун ҳужжатларни сақлаш талабларига мутлақо жавоб бермай қолганди. Бугун очиқ айтиш мумкинки, ана шундай нокулайликлар туфайли бу нодир ҳужжатгоҳда бир неча бор ёнғин чиқиш ҳолати ҳам содир бўлганди. Фикрларим шунчаки айтилаётган оддий гаплар бўлиб қолмаслиги учун эътиборингизга айрим

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви. 334-фонд, ёзув-1, сақлов-315, 20 саҳифа.

мисолларни ҳавола этмоқчиман[6]. Эслатиб ўтишим зарурки, мен мисолларни 1945 йил ҳамда 1970 йилларга оид ҳужжатлар орасидан алоҳида танлаб олдим. Мақсадим – ўтган асрнинг 40- ва 70- йилларида вилоят давлат архивида шароитлар қандай бўлганлигига эътиборингизни қаратиш.

Гарчанд сақлов бирликлари ҳажми ортиб бораётган бўлса-да, янги бино ёки қўшимча хоналар қуриш, таъмирлаш ишлари олиб бориш учун маблағ ажратилмаган. Келинг, бу ҳақдаги фикримизга ойдинлик киритадиган ҳужжатларга мурожаат қилиб кўрайлик. Биринчи ҳужжат 1940 йилларга оид бўлиб, у Сурхондарё вилоят архив бўлими фаолияти ўша пайтларда қандай ҳолатда бўлганлиги тўғрисида бизга аниқ тасаввурлар беради. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон ССР НКВД архиви бўлими бошлиғи катта лейтенант Т. Серий номига йўлланган. Унда шундай дейилади:<sup>3</sup>

–Давлат архиви учун ажратилган бино 6 хона, битта коридор, битта ички ва битта ташқи омборхонадан, давлат архиви бошлиғи ўртоқ Сазонова жойлашган иккита хона ва иккита коридордан иборат. Бино капитал таъмирга муҳтож. Чунки бино томи ёпилмалари эскирган, деразаларга панжара ўранатилмаган...Архивда илмий ишлар олиб борилмаган... Районлардаги архив бўлимларида ҳам ахвол яхши эмас. Бу борада бир неча маротаба ёзма мурожаат қилинишига, талабномалар киритилишига қарамасдан, ҳеч қандай ижобий натижа бўлгани йўқ[7].

Ҳозиргача ишлар ўлда-жўлда бўлиб қолгани учун район архивларининг сақлов бирликлари ҳақида бирор аниқ маълумот келтиришнинг имкони йўқ. Бу масала НКВД бошлиғи эътиборига бир неча бор етказилган[8]”

Сурхондарё вилоят давлат архиви фонdlарида эътиборга молик яна бир ҳужжат бор. У 1972 йилнинг 29 марта ўша кезлари вилоят архив бўлимини бошқарган Дъяконова томонидан Сурхондарё вилоят ижроия қўмитаси раиси Каримов номига ёзилган. Сўз юритилаётган мавзуумизга мослигини инобатга олган ҳолда, ушбу идоравий ёзишмани ҳам эътиборингизга ҳавола этмоқчиман:

Сурхондарё вилоят давлат архиви 1932 йилдан буён Термиз шаҳар, Ленин қўчасидаги 49-йда жойлашган, 273 квадрат метрдан иборат бўлиб унда 1924-1965 йилларга оид 70 минг сақлов бирлигидаги ҳужжатлар сақланмоқда. Бугунги кунда архив биноси шароитлари талаблар даражасида эмас. Жойларда, яъни муассасалар ва ташкилотларда, корхоналарда бундан ҳам кўпроқ архив ҳужжатлари сирасига кирадиган материаллар бор, аммо шароит йўқлиги, уларни сақлаш учун бўш майдон етишмаслиги туфайли давлат архиви ихтиёрига қабул қилишининг имкони йўқ[9]. Судларга, сугориш тизимларига, прокуратурага, банклар бошқармасига тегишли ҳужжатлар 1924 йилдан буён архивда эмас, ташкилотларнинг ўзида сақланмоқда. Саклаш хоналарининг ҳамда бу масъул шахсларнинг йўқлиги уларни талаблар асосида сақлаб қолиш имконини

<sup>3</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви. 334-фонд, ёзув-1, сақлов-310, 25 саҳифа.

бермаётир. Чунки 1950-1955 йилларда тўпланган шахсий таркибга оид ҳужжатлар ҳам ташкилотларнинг ўзида сақланмоқда. Архив қошида ўқув залий йўқ, Тадқиқотчилар иш кабинетларида ўтириб ишлашга мажбур бўлишмоқда. Хўжалик асосида иш юритувчи гурух учун ҳам алоҳида хона йўқ. Архив ишларини яхшилаш учун 17 (ўн етти минг) рубл маблағ ажратишингизни сўрайман. Бу маблағ эвазига 100 квадрат метрли қўшимча хоналар қуриш мумкин”[10].

Кўриб турганингиздек, 1970-йилларга қадар ҳам давлат архивлари учун етарлича шароитлар яратилган бино бўлмаган. Тўғри, 1980 йилларда ўша даврлар учун Термиз шахридаги энг баланд, яъни 6 қаватли бино қурилиб, фойдаланишга топширилган. Лекин у партия архиви бўлиб, у омма учун ёпик бўлган. Ҳакиқий давлат архиви эса эски бинода фаолият олиб боришда давом этган.

Шукрки, халқимиз мустақилликка эришгач, барча соҳалар қаторида мамлакатимизда давлат архивларига ҳам эътибор қаратила бошлади. Шу маънода айтадиган бўлсак, хусусан, турли йилларда қабул қилинган “Архив иши тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қарорлар қабул қилинган бўлишига қарамай, Сурхондарё вилоят давлат архиви ҳамон эски бинода иш олиб борган. Ишни ташкил этиш, кадрлар ва техник жихозлар билан таъминлаш борасида бир қатор янгиликар киритилган бўлса-да, давлат архивида noctor шароитларда иш олиб борилаверган.<sup>4</sup>

Хуллас, тилда соҳага эътибор кучли бўлаётгани тўғрисида барадла айтилса-да, шароитни яхшилаш учун амалда қўрилаётган чора-тадбирлар шунчаки юзаки ҳолича қолиб кетаверган. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2019 йил 20 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5834-сон Фармони, худди шу санада эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 72-сон, 2020 йил 19 августдаги[11].

“Архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат хизматларини қўрсатишнинг айrim маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 495-сон, “2020 йил 10 ноябрдаги “Архив иши ва иш юритиш соҳасидаги норматив-хукукий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 706-сон қорори каби соҳага оид яна қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

<sup>4</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви. 519-Фонд,, 1-ёзув, сақлов №76, 43-варақ.

2019 йил 20 сентябрда муҳтарам Президентимииз Ш.М. Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4463-сонли қарорига имзо чеккандан сўнггина, ахвол ижобий томонларга қараб ўзгара бошлади. Чунки ушбу қарорда Ўзбекистонда 2020-2025 йилларда архив иши ва иш юритишни янада ривожлантириш дастури доирасида бажариладиган аниқ вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, қарор асосида 2025 йилларда давлат архивлари биноларини ва сақловхоналарини қуриш, 2023-2025 йилларда давлат архивлари биноларини реконструкция қилиш назарда тутилган эди. Қарорда бундай залворли вазифаларнинг белгилаб берилиши бежиз эмас, албатта[12].

Чунки муҳтарам Президентимиз биз архивчилар олдига давлат архивларини бошқариш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, архив хизматлари кўрсатишда нодавлат секторни янада ривожлантириш, архив иши соҳасида давлат-хусусий шериклик учун қулай шарт-шароитлар яратиш, архив иши соҳасини янада такомиллаштириш ва жонлантириш мақсадида мамлакатимиз ҳамда хорижий архивларда сақланаётган Ўзбекистон тарихига оид архив ҳужжатлари нусхаларини олиб келиш каби қатор муҳим вазифалар қўйган эдилар. Табиийки, бундай қамрови кенг ишларни амалга ошириш учун давлат архивлари етарлича шарт-шароитларга эга бўлишлари зарур[13].

Ана шу қарор эълон қилингач, Сурхондарё вилоятида ҳам нафакат давлат архиви ишларини янги поғоналарга олиб чиқиш, балки вилоятимиздаги архив бўлимлари фаолият юритаётган биноларни реконструкция қилиш, таъмирлаш, Термиз шаҳрида эса замонавий талаблар даражасидаги шароитларга эга янги бино қуриш ишларига жиддий эътибор қаратила бошлади. Биз учун бу айни муддао бўлди. Чунки Сурхондарё вилоят давлат архивида сақланаётган фондлар сони ортиб, сақловдаги ҳужжатлар ҳам сезиларли даражада кўпайиб бораётганди. Шароитлар қўнгилдагидек бўлмаса-да, ўз касбини фидойилик деб билган архив ходимлари мавжуд фонд ва сақлов бирликларидағи ноёб ва нодир ҳужжатларни авайлаб-асрашда давом этишиди[14].

Гап шундаки, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 10-11 февраль кунлари воҳамизга ташрифи чоғида Сурхондарё вилояти давлат архиви учун замонавий бино жуда зарур эканлигини таъкидлаб, янги бино қуриш тўғрисида топшириқ бергандилар. Ана шу топшириқ амалда бажарила бошлаган бўлса-да, ҳали поёнига етмаган эди. Мен юқорида таъкидлаб ўтган қарордан сўнг, бу борадаги ишлар янада жонлантириб юборилди. Натижада Термиз шаҳри марказида, одамлар осонгина топиб кела оладиган катта йўл четида ажойиб, қаср деса арзигулик етти қаватли бино қад ростлади[15]. Сурхондарё вилоят давлат архиви учун қурилган ушбу янги бино чиндан ҳам қасрмонанд. Унинг очилиши маросимида Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов, “Ўзархив” агентлиги директори Улуғбек Юсупов, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди. Шунингдек, тадбирда Туркия, Венгрия,

Хиндистон, Истроил каби ўнга яқин хорижий давлатларнинг олим ва мутахассислари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар давлат архивлари раҳбарлари, тизим фахрийлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам иштирок этишиди. Очилиш маросимининг бундай тантанали вазиятда ташкил этилиши бежиз эмас эди. Чунки шу йилда Ўзбекистонда давлат архивлари тизими ташкил топганлигининг 100 йиллиги тантанали равишда кенг нишонланаётган эди[16].

Термиз шаҳри марказида қад ростлаган янги, вилоят давлат архиви биносида архив ишларини замонавий андозаларда ташкил этиш учун барча зарурӣ шароитлар яратилганлиги тадбир иштирокчиларини мумнун этди. Ўрни келганда таъкидлаб ўтиш зарурки, ҳозирги кунда Сурхондарё вилояти давлат архивида 500 минг сақлов бирлиги мавжуд.

Янги бинонинг ишга туширилиши, қўшимча мобил жавонлар билан жиҳозланиши натижасида архив сифими икки бараварга оширилиши кўзда тутилган. Бунинг учун шароитлар етарли, яъни бинода ҳароратни меъёрда сақлаш, қўриқлаш, ёнғинни бартараф этиш бўйича мосламалар ишлаб турибди[17].

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, айни пайтда мамлакатимизда архив тизими янги босқичда ривожланиб, хизмат кўратиш сифати ва самарадорлиги тубдан яхшиланиб бормоқда. Архив иншоотлари ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланаётир. Соҳага инновацион янгиликлар киритилмоқда. Энг қувонарлиси, серқуёш юртимизнинг энг жанубий сарҳадларида ястанган Сурхон воҳасида ҳам давлат архиви ишларини янги ва юқори поғоналарга кўтариш борасида қатор хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда[18]. Хусусан, ҳозирга қадар вилоятнинг Шеробод тумани давлат архивининг уч қаватли, Ангор ва Музработ туманларининг ҳар бирида икки қаватли замонавий бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Келгуси йилда эса Сариосиё, Бойсун ва Шўрчи туманларида ҳам худди шундай бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилади.

## **АДАБИЁТЛАР**

1. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 519-Фонд,, 1-ёзув, сақлов №76, 43-варак.
2. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 519-Фонд, 2-рўйхат, 26.-иш, 26-варак.
3. Urazova, R. T. (2016). INTERPRETATION OF THE 31ST GATHA OF YASNAIN" AVESTA". Himalayan and Central Asian Studies, 20(4), 90.
4. Ra'no, T. U. (2017). Religious and social thoughts of the people of ancient India, Central Asia and Iran. Himalayan and Central Asian Studies, 21(1), 61.
5. Уразова, Р. Т. (2022, April). АНАЛИЗ УРОВНЕЙ СОЦИАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ ПО РЕЛИГИОЗНЫМ ИСТОЧНИКАМ (НА ПРИМЕРЕ АВЕСТА И РИГВЕДА). In E Conference Zone (pp. 183-185).

- 
6. Fazilat KULTAEVA. (2022). STUDY OF ERGONYMS IN UZBEKI LINGUISTICS. World Bulletin of Social Sciences, 16, 11-14.
  7. Kultayeva,F. (2022, November). ERGONIMLARNING JAHON VA O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA O 'RGANILISHI. In E Conference Zone (pp. 131-136).
  8. Abdulloev, S. B. (2021). Positive Attitudes To" Dev. Central Asian People. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(01), 275-279.
  9. Абдуллоев, С.Б. (2021). Позитивное отношение к « деве». Народы Центральной Азии. Американский журнал социальных наук и инноваций в образовании , 3 (01), 275-279.
  10. Бобоисмойлович, А.С. (2022). Отражение празороастрской веры в материальной культуре Средней Азии. ЦЕНТРАЛЬНО-АЗИАТСКИЙ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ НАУК И ИСТОРИИ , 3 (11), 70-75.
  11. Абдуллоев, Ш. (2021). “Даэва” лар–Ўрта Осиё қадимги халқларининг худолари. Общество и инновации, 2(8/S), 188-193.
  12. Абдуллоев, Ш. (2021). Ўрта Осиё қадимги пантеонини ўрганишда «Даэва» образини тадқиқ этишнинг аҳамияти. Общество и инновации , 2 (8/C), 181-187.
  13. Абдуллоев, Ш. Б. (2021). “АВЕСТА” ДА КАРАПАНЛАРНИНГ ТАЛҚИНИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(Special Issue 2), 162-168.
  14. Bozorovich, S. S., & Yusupovich, K. S. (2020). The new study on the history of the early religions archaeological sources or innovative approach to the problem. American Journal of Social and Humanitarian Research, 1(5), 17-24.
  15. Bakiev, A., & Yuldasheva, Z. (2020). THE FIFTH CIVILIZATION OF THE ANCIENT EAST. Theoretical & Applied Science, (8), 39-45.
  16. Bakiev, A. (2021). LOCAL ORIGINS OF OXUS CIVILIZATION. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR), 7(5), 1-1.
  17. Yuldasheva, Z. (2022). The kushan period and its place in the history of the peoples of the surkhan oasis. Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities, 12(5), 373-376.
  18. Yuldasheva, Z. K., & Shohida, J. AN IMPORTANT SOURCE ON THE HISTORY OF AMIR TEMUR. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR), 1, 489.
  19. Бакиев Анвар Ахмедович (2021). О ПЯТОЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯ ДРЕВНЕГО ВОСТОКА. Бюллетень науки и практики, 7 (5), 541-555.
  20. Boqiev, A. A. The first comments on the “Information-technological map of the written source”(VI-XIX centuries). Historical thinking. A collection of scientific and practical articles by historians, 7, 41-62.

- 
21. Xidirova I., N. Gender Characteristics of Family Speech Speech (On the Example of the Uzbek Family) //EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION. – 2021. – T. 1. – №. 2. – C. 196-199.
  22. Raxmonjonova G., Xidirova I. CHORTOQ SO ‘ZINING KELIB CHIQISHIGA OID ILMIY QARASHLAR //Eurasian Journal of Academic Research. – 2022. – T. 2. – №. 11. – C. 188-189.
  23. Makhliyo B. et al. Linguistic Features of Artistic Similes //Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture. – 2022. – T. 3. – №. 11. – C. 41-46.
  24. Qizi, Botirova Maxliyo Baxodir, and Islomov Sardor Sanjarovich. "BADIY MATNNING LINGVISTIK MOHIYATI." Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences 1.3 (2021): 46-51.
  25. Botirova M., Qayumova M. Language Characteristics of Phraseological Units //Procedia of Philosophical and Pedagogical Sciences. – 2022. – T. 1. – №. 1. – C. 80-83.
  26. Abdualimova G. H. FE'L NISBAT KATEGORIYASINING DAVRLARARO VA TURKIY TILLARARO SOLISHTIRMASI. – 2022.
  27. Tursunov, S., & Rustamova, N. (2021). Professor Mamat Haydarov: Science, Management and Youth School. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 8(7), 602-607.
  28. Tursunov, S., Kobilov, E., Murtozoyev, B., & Pidayev, T. (2004). History of Surkhandarya.(p. 177). Editorial office of oriental publishing and Printing Company, 2, 1870-1917.
  29. KULTAEVA, Fazilat. "ANALYSIS OF ERGONOMIC UNITS AT THE ONOMASTIC LEVEL." (2022).
  30. Shapulatov, U., & Normominov, M. (2021). Treasure of coins found qirqqiz monument. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(11), 397-401.
  31. Shopulatov, U. K. (2021). ON THE MAIN FACTORS OF THE ESTABLISHMENT OF THE FIRST STATES (ON THE CASE OF CENTRAL ASIA). World Bulletin of Public Health, 4, 116-117.
  32. Qurbanov, A. (2022). THE FIRST ALTARS OF CENTRAL ASIA OF BRONZE AGE. Eurasian Journal of Academic Research, 2(5), 92-96.
  33. Makhmaraimova, S. T., & Makhmaraimov, S. T. (2021). METAPHOR AND NATIONAL THINKING. Thematics Journal of Social Sciences, 7(6).
  34. Makhmaraimova, S. T. (2021). UZBEK POLITICAL AND SOCIAL, PUBLIC DISCOURSE METAPHORIC MODELS. Thematics Journal of Education, 6(November).
  35. Махмараимова, Ш. Т. (2013). Роль теоморфической метафоры в практике познания мира. Актуальные вопросы общественных наук: социология, политология, философия, история, (28), 62-67.

- 
- 36. Mahmaraimova, S. T. (2013). role of the Teomorphic metaphor in practice OF THE WORLD'S COGNITION. Наука и человечество, 1(2), 68-73.
  - 37. Makhmaraimova, S. T., & Yakibova, D. S. (2019). Speech development in lessons of physical culture by means of communicative games. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(9), 187-193.
  - 38. Махмараимова, Ш. (2018). Ўзбек тили теоморфик метафораларининг қисқача концептуал луғати. Т.: Чўлпон, 100.
  - 39. Махмараимова, Ш. Т. (2020). Ўзбек метафораси лингвомаданиятлар кесимида (техноморф ва теоморф метафоралар мисолида). In Гуманитарное и социально-научное знание: теоретические исследования и практические разработки (pp. 47-56).